

FACTORS TO IMPROVE THE USE OF PLASTIC CARDS

Ayubov I. I.

Senior teacher of SamSU

Annotation:

This article further strengthens the fact that a number of commercial banks operating in Uzbekistan use e-cards in their operations, as well as create convenience for the population to make payments and the stability of money circulation.

Keywords: Terminal, electronic card, password

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, пул-кредит сиёсатини юргизишда пул муомаласини тартибга солиш ва иқтисодий нақд пулга бўлган талабини қондириш билан боғлиқ ислохотларни юргизиш келмоқда. Бу ислохотлар замирида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларни банк тизимига бўлган ишончини ошириш, банкларимиз фаолиятини яхшилаш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда инфляция даражасини пасайтириш мақсадлари турибди.

Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тижорат банклар томонидан амалга оширилмоқда. Пластик карточкаларни имкониятлари жуда кўп бўлиб, улар пул қадрсизланишини олдини олади. Бутун дунё бўйлаб ёйилаётган жаҳон-молиявий инқироз бир пайтни ўзида юртимизда банк молия тизимини барқарорлигини, банкларни инвестиция жараёнидаги фаоллигини ошириш талаб этилади. Шу сабабли аҳоли ва юридик шахсларнинг тижорат банклардаги жалб этилаётган маблағлари ҳажми кенгайтирилмоқда.

Шу билан бирга банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш борасида ҳали бир қанча ишлар қилинмоқда. Шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан пластик карточкалар билан ишлаш, савдо ташкилотларига, автомобилларга ёнилғи қўйиш шаҳобчалари, дорихона ва умуман аҳоли билан пул муносабатларида муамолада бўладиган барча жойларда терминаллар ўрнатилди. Ҳар бир шаҳар, туман марказлари ҳаттоки айрим қишлоқ марказларида аҳолининг нақд пулга эҳтиёжини қондириш мақсадида пластик карталардан нақд пул олиш учун пул билан таъминланган банкоматлар ўрнатилди. Бу аҳолимизни нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларини амалга оширишда қўл келмоқда.

Пластик карточкадан кенг фойдаланган ҳамда ҳисоб-китоблар қилиш тизимини янада кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Ҳозирги кундалик сарф-харажатларни амалга ошириш учун бу воситалар айна пайтда мамлакатимизнинг барча жабҳаларида фойдаланиб келинмоқда.

Бутун дунёда ҳозирги вақтда нақд пулсиз чакана тўловлар тизимида пластик карточкалар биринчи ўринда туради. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилишнинг қулайлиги шундан иборатки, нақд пул маблағларини пластик кўринишида қўлда сақлашнинг афзаллигидир. Бундан ташқари ҳақ тўлашда ҳаракат камайиши, пластик карточкадан пароль воситасида фойдаланиш унинг ҳимоясини таъминлайди.

Мамлакатимизда банк тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожланиб бораётганлиги жуда катта аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда аҳолини валютага бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида республикамиз банкوماتлари миллий сўмни валютага айирбошлаш йўлга қўйилганлигини ҳеч қандай сўз билан ифодалаб бўлмайди. Бунда валюта айирбошлаш қора бозорларида амалга оширилаётган ноқонуний савдога чек қўйилди. Бундан шу вақтгача аҳолимиз азият чекиб келган сабабларидан валютани қалбакилаштирилганлиги, айирбошлаш вақтида ғазнани мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш ва банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ва пластик карточкалардан фойдаланиш вазифалари Марказий банк ишчи гуруҳига юклатилган.

Аҳоли ўртасида пластик карточкаларга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Шундай экан, пластик карточкаларни хавфсизлик даражасини ва улардан фойдаланиш усуллари янада яхшилаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Омонов А.А, Қоралиев Т.М “Пул, кредит ва банклар” Дарслик. Т.: - ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2012 й. – 562 б.
2. Рашидов О. Ю., Алимов И.И., Тоймухамедов И. Р., Тожиев Р. Р. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. – Т.: ТДИУ. 2011 й. – 428 б.
3. Муллажанов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011 й. – 368 б.
4. Саидов Д. Пул ва пул муомаласи. Ўқув қўлланма/ Т. EXTREMUM-PRESS, 2011 й. 110 б.